

## АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ТЕНГСИЗЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Зайниев Фарход Нуриддинович**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси.*

*Тошкент, Ўзбекистон. [zfnu@mail.ru](mailto:zfnu@mail.ru)*

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss5/a11](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a11)

### Аннотация

Фискал сиёсат механизмлари биринчи навбатда тенгсизликни бошқариш учун қўлланилади. Бир томондан, солиқ сиёсатининг механизми қўлланилади: даромадларни прогрессив солиққа тортиш, солиққа тортишнинг меҳнатдан олинadиган даромаддан капиталдан олинadиган даромадга ўтиши, мулкдан даромад олиш учун ва бошқалар. Бошқа томондан, тенгсизликни юмшатиш учун ҳам давлат харажатлари бўлган усуллар қўлланилади, трансфертлар, айрим фаолият турларини молиялаштириш. Ижтимоий ишлаб чиқариш ва ижтимоий имтиёзлар, уларнинг баъзилари аҳолининг кам таъминланган қатламлари томонидан кўпроқ фойдаланилади.

**Калит сўзлар:** Даромадлар тенгсизлиги, жамғаришнинг маржинал мойиллиги, ноаниқлик даражаси, фискал сиёсат, эмпирик таҳлил, Жини коэффициенти, Hoover индекси, Theil индекси.

### Аннотация

Механизмы фискальной политики в основном используются для управления неравенством. С одной стороны, используется механизм налоговой политики: прогрессивное налогообложение доходов, переход налогообложения с доходов от труда на доходы с капитала, на доходы от имущества и т. д. С другой стороны, для смягчения неравенства используются методы государственных расходов, трансфертов, финансирования отдельных видов деятельности. Общественное производство и социальные блага, некоторые из которых в большей степени используются бедными.

**Ключевые слова:** Неравенство доходов, предельная склонность к сбережениям, уровень неопределенности, фискальная политика, эмпирический анализ, коэффициент Джини, индекс Гувера, индекс Тейла.

### Abstract

Fiscal policy mechanisms are mainly used to manage inequality. On the one hand, the mechanism of tax policy is used: progressive taxation of income, the transition of taxation from labor income to capital income, to income from property, etc. activities. Social production and social goods, some of which are used to a greater extent by the poor.

**Key words:** Income inequality, marginal propensity to save, level of uncertainty, fiscal policy, empirical analysis, Gini coefficient, Hoover index, Theil index.

### Кириш

Тадқиқотларга кўра, даромадлар тенгсизлиги ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ижобий боғлиқлик мавжуд. Шу муносабат билан кўпчилик тадбиркорлар ўз даромадларини иқтисодиётдаги бошқа гуруҳларга қараганда анча тежашга мойил, деган хулосага келинган, шунинг учун тенгсизликнинг мавжудлиги аҳолининг бой қатламлари орасида жамғармаларнинг тўпланиши билан ижобий боғлиқдир. Lewisни

фикрича, мамлакатнинг аҳоли жон бошига ЯИМ ўсиши ва жамғарма нормаси ўртасидаги боғлиқлик шундан иборатки, мамлакат жамғарма нормасини кўпайиши билан инвестициялар ҳажми ошишига, бу эса иқтисодий ўсишга олиб келиши мумкин<sup>1</sup>.

Kuznetsнинг таъкидлашича, ўртача даромад иқтисодий ўсиш билан бирга ошгани сайин тенгсизлик кучаяди ва ўртача даромад иқтисодий ўсиш билан бирга ўсишда давом этиб, пасайишни бошлайдиган чўққига чиқади ва натижада тескари U-шаклида эгри чизиқ шаклини беради. Бу эса кейинги бир неча тадқиқотлар олиб бориш учун асосий масалага айланишига сабаб бўлган. Шунини таъкидлаш жоизки, мазкур масалани мунозарада иқтисодчи олимларга икки гуруҳга ажралган бўлиб, биринчи гуруҳдагилар Kuznetsнинг иқтисодий ўсиш даромадлар тенгсизлигига таъсир қиладиган деган фикрига қўшилади, иккинчи гуруҳдагилар эса аксинча, даромадлар тенгсизлиги иқтисодий ўсишга таъсир қилишини назарда тутадилар.

Даромадлар тенгсизлигининг иқтисодий ўсишга таъсири ва унинг муносабатларини бўйича сўнги ўн йилликларда олиб борилган аксарият илмий тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, даромадлар тенгсизлиги ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқлик турлича бўлиши мумкин деган хулосага келиш мумкин. Чунки, олиб борилган эмпирик тадқиқотлар натижасида ҳам даромадлар тенгсизлигининг иқтисодий ўсишга таъсири турлича бўлишлиги аниқланган. Жумладан, Alesina ва Rodrik, Deininger ва Squire, Persson ва Tabelliniлар томонидан амалга оширилган эмпирик тадқиқотларда бошқа натижалар бир қаторда, даромадлар тенгсизлиги ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги салбий ва статистик жиҳатдан аҳамиятли муносабатларнинг ишончли далиллар тақдим этилган. Бироқ, панел маълумотлар моделлари асосида олиб борилган охириги эмпирик тадқиқотлар натижасида даромад тенгсизлик ва иқтисодий ўсиш ўртасида ижобий ва кучли боғлиқлик мавжудлиги аниқланган<sup>2</sup>.

Шунингдек, 94 та мамлакатларнинг 1985-2017 йиллардаги маълумотлари асосида амалга регрессион таҳлиллар натижасида аҳоли жон бошига дастлабки харажатлар ва инвестициялар даражаси иқтисодий ўсишга статистик таъсири юқорилиги, даромад тенгсизлиги ва иқтисодий ўсиш ўртасида эса турлича боғланишлар мавжудлиги аниқланган. Хусусан, регрессия натижаларига кўра, бир томондан, кам даромадли мамлакатларда даромадлар тенгсизлиги ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ижобий боғлиқлик аниқланган, бошқа томондан, ўрта ва юқори даромадли мамлакатларда салбий, аммо статистик жиҳатдан аҳамиятсизлиги аниқланган<sup>3</sup>. Ўтган йиллар мобайнида даромадлар тенгсизлигининг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларнинг баъзи изланишлар натижасида даромадлар тенгсизлиги иқтисодий ўсишига салбий таъсир кўрсатиши, бошқалари томонидан эса даромад тенгсизлиги иқтисодий ўсиш учун зарур деб ҳисобланган.

Фикримизча, даромадлар тенгсизлиги ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқлик бўйича олиб борилган назарий ва эмпирик тадқиқотлар натижалар асосида умумий консенсус мавжуд эмас.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Замонавий иқтисодиётда аҳоли даромадлар тенгсизлиги илмий тадқиқотларнинг энг муҳим мавзуларидан бирига айланди ва бир қатор хорижий иқтисодчи олимлар, жумладан, Alesina ва Perotti, Aghion, Galor ва Zang, Acemoglu,

<sup>1</sup> Lewis W. A. 1954 Economic Development with Unlimited Supplies of Labor. The Manchester School 22. 139–91.

<sup>2</sup>Székely, M. and Hilgert, M. (1999) What's Behind the Inequality We Measure: An Investigation Using Latin American Data. IDB Working Paper No. 340.; Forbes, K. (2000). A Reassessment of the Relationship Between Inequality and Growth. American Economic Review. 90. 869-887.; Panizza, U. (2002) Income Inequality and Economic Growth: Evidence from American Data. Journal of Economic Growth 7, 25–41.; Castelló, A. (2004). A reassessment of the relationship between inequality and growth: what human capital inequality data say? Working Papers. Serie EC 2004-15, Instituto Valenciano de Investigaciones Económicas, S.A. (Ivie).

<sup>3</sup>José Javier Caloca Martínez 2020. Income Inequality and Economic Growth <https://www.researchgate.net/publication/343349579>.

Piketty, Goldhammer, Saez va бошқалар ўз тадқиқотларида аҳоли даромадлар тенгсизлигининг сабаблари, ўзаро таъсирлари ва оқибатларини кенг тадқиқ қилишган. Хусусан, Saez фикрича, иқтисодий ўсиш мамлакатнинг иқтисодий барқарорлик ўлчови сифатида кенг қўлланилади ва тараққиёт ва бошқа ҳодисаларнинг иқтисодий ўсишга таъсири макроиқтисодиётнинг муҳим муаммосидир. Ўтган бир неча ўн йилликлар ичида, даромад тенгсизлик дунё бўйлаб сезиларли даражада ортиб бормоқда<sup>4</sup>. Сиёсатчилар томонидан инқирозлар даврида ижобий натижаларга эришиш учун даромадлар тенгсизлигининг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолашга катта қизиқиш билдирилган<sup>5</sup>. Шунга қарамай, даромадлар тенгсизлиги иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатадиган каналларни тушунтиришда турли мунозаралар ноаниқ прогнозлар билан кўплаб назарияларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Масалан, Perotti, Alesina ва Rodrikларнинг таъкидлашича, аҳоли даромадлари тенгсизлиги ҳукуматлар томонидан қайта тақсимлаш сиёсати ва аҳолининг бой қатлами учун юқори даромад солиғи орқали киритилган номуносивбликлар туфайли иқтисодий ўсишга салбий таъсир қилади<sup>6</sup>.

Acemoglu фикрича эса, давлат бюрократияси ва самарасиз институтлари иқтисодий ўсишга таъсир қилади ва бу муаммо даромадлар тенгсизлигини ошириш орқали кучаяди<sup>7</sup>. Бундан ташқари, Galor, Zang, Aghion ва бошқаларнинг таъкидлашича, аҳоли даромадлари тенгсизлиги иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади, номукамал капитал бозорлари туфайли аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун таълимга киришга тўсқинлик қилади ва мамлакатда инсон капиталининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шунингдек, даромадлар тенгсизлиги ижтимоий муаммоларнинг ўсиши туфайли сиёсий беқарорликка олиб келади ва шунинг учун иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади, чунки инвестициялар учун рағбатлантиришлар бўлмайди. Бироқ, бошқа иқтисодчи олимларнинг фикрича, даромадлар тенгсизлиги ўсишга ҳисса қўшади, чунки у аҳолининг бой қатламларида жамғаришни оширади ва бу йирик ҳажмдаги инвестицияларни амалга оширишни таъминлайди. Шунингдек, Galor ва Tsiddon, Foellmi ва Zweimullerларнинг таъкидлашича, даромад тенгсизлиги Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари ва технологияларни ривожланишига ёрдам беради ва бу иқтисодий ўсишга олиб келади.

#### **Тадқиқот методологияси**

Турли мамлакатларда жамғаришга маржинал мойилликни улушини ўрганиб чиқилганда даромадлар тенгсизлиги ва жамғаришга маржинал мойиллик юқори бўлган мамлакатлар тезроқ ўсиши аниқланган. Унинг хулосасига кўра, прогрессив солиқлар ҳисобига даромадлар тенгсизлигини камайтиришга қаратилган қайта тақсимлаш сиёсати бойларнинг ихтиёридаги даромадларини камайтиради, демак, уларнинг жамғариш ва мамлакатга сармоя киритиш имкониятларини пасайтиради ва бу эса иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига олиб келади. Бундан кўриниб турибдики, аҳоли даромадлари тенгсизлигини кучайиши, яъни аҳолининг бой қатламининг даромадларни кўпайиши орқали инвестиция ҳажмини ортиши иқтисодий ўсишга олиб келиши мумкин. Гарчи аҳолининг бу гуруҳларнинг мавжудлиги тенгсизликни юзага келтирса-да, ҳукуматлар жамиятларни тенглаштириш ва

<sup>4</sup> Saez, E. 2020. Striking it Richer: The Evolution of Top Incomes in the United States (Updated with 2018 estimates). Retrieved: March 25th, 2020. From: [eml.berkeley.edu/~saez/saez-UStopincomes-2018.pdf](http://eml.berkeley.edu/~saez/saez-UStopincomes-2018.pdf).

<sup>5</sup> Piketty, T., and Goldhammer, A. 2015. The Economics of Inequality. Cambridge, Massachusetts; London, England: Harvard University Press. Retrieved May 16, 2020, from [www.jstor.org/stable/j.ctvjnrk](http://www.jstor.org/stable/j.ctvjnrk).

<sup>6</sup> Alesina, A. and Rodrik, D. 1994. Distributive politics and economic growth. Quarterly Journal of Economics, 109, 2, pp. 465–90.; Perotti, R. 1996. Growth, Income Distribution, and Democracy: What the Data Say. Journal of Economic Growth, 1(2), 149-187. Retrieved April 15, 2020, from: [www.jstor.org/stable/40215914](http://www.jstor.org/stable/40215914).

<sup>7</sup> Acemoglu, D. 2007. An Introduction to Modern Economic Growth. Journal of Economic Theory, Elsevier, vol. 147(2), pages 545-550.; Acemoglu, D., Ticchi, D., & Vindigni, A. 2011. Emergence and persistence of inefficient states. Journal of the European Economic Association, 9(2), 177–208.

даромадлар тенгсизлигининг акс таъсирини камайтириш учун қайта тақсимлаш сиёсати орқали муаммога дуч келишлари лозимлигини англатади. Ҳукумат трансфертлари аҳолининг иқтисодий қўшимча ҳисса қўшишига тўққинлик қилади, бу эса уни самарасиз қилади ва иқтисодий ўсишни секинлаштиради<sup>8</sup>.

Даромадлар тенгсизлиги ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ижобий ўзаро боғлиқни очиб берувчи сўнги назариялар пайдо бўлиб, ушбу назарияларга кўра, йирик инвестициялар жамғармаларнинг катта улушини талаб қилади ва маблағни жамғариш самарадорлиги аҳолининг бой қатлами орасида юқори бўлганлиги сабабли, бойликни улар орасида аҳолининг кичик бир қисмини қўлида тўпланиши яхшидир, шунинг учун нисбатан юқори бўлмаган маржинал даромад билан катта ҳажмдаги инвестицияларни амалга оширишлари мумкин. Бундан келиб чиқиб, технологик тараққиёт ва иқтисодий ўсиш ўртасида ижобий муносабатлар мавжудлигини таъкидлаш муҳимдир. Шу муносабат билан, даромадлар тенгсизлиги юқори бўлган даврлар кўпроқ технологик ихтиролар қилинганлиги тўғрисида тарихий далиллар мавжуд ва бу даврлар ҳам инвестицияларнинг кўпайиши билан тавсифланади ва шунинг учун иқтисодий ўсишнинг ошиши кутилмоқда. Умуман олганда, амалга оширилган эмпирик тадқиқотлар cross-sectional ва панел маълумотларига асосланган ва уларнинг асосий натижалари даромадлар тенгсизлиги ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ноаниқлик ва корреляцияга қаратилган бўлиб, улар ўртасида боғлиқлик баъзан салбий ёки ижобий бўлиши мумкин.

Юқорида келтириб ўтилган барча илмий назариялар учун даромадлар тенгсизлиги ва иқтисодий ўсиш ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд эмас, балки ва иқтисодий ўсишни бошқа иқтисодий омиллар ёки ўзгарувчилар билан боғлайдиган қандайдир ўзаро боғлиқликлар мавжуд, масалан, жамғаришлар даражаси, қайта тақсимлаш сиёсати, кредит мавжудлиги, ялпи асосий капитал жамғариш, туғилиш даражаси, таълим ва бошқалар.

#### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси**

Даромадлар тенгсизлиги ва иқтисодий ўсиш ҳам салбий ўзаро боғлиқ бўлиши мумкин, бунда даромадлар тенгсизлиги мамлакатларнинг ривожланиши ва иқтисодий ўсишига тўсиқ сифатида қабул қилинади. Даромадлар тенгсизлиги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин, чунки у қашшоқлик даражасини ошириб, аҳолининг даромадларига жиддий таъсир кўрсатади. Шунингдек, даромадлар тенгсизлиги кредит олишни чеклайди ва камбағал аҳоли фойда олиш мумкин бўлган барча инвестициялар ва имкониятлар камайтиради. Бундан ташқари, даромадлар тенгсизлиги аҳолининг айрим қатламини жамият ва иқтисодий қандай ҳисса қўшиши мумкинлигини чеклаш орқали уларнинг таълим олиш имкониятини пасайтиради. Айрим иқтисодчи олимлар бундан ташқари, иқтисодий инқироз юзага келиши мумкин бўлганда тенгсизлик жиноят ва зўравонликка олиб келишини ва мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишда институтлар заифлашиши кўрсатиб ўтилган. De Ferranti ва бошқаларнинг фикрига кўра, даромад тенгсизлигининг иқтисодий ўсишга қандай таъсир кўрсатишини тасдиқловчи назарий моделлари асосида тўрт асосий ёндашувлар мавжуд:

1. Фискал сиёсатнинг таъсирини кўрсатадиган модел, бунда ҳукуматлар ресурсларни камроқ имтиёзли бўлганларга қайта тақсимлаш орқали иқтисодий бузилишларни келтириб чиқаради, бу бузилишлар прогрессив солиқлар ва юқори давлат харажатларидан келиб чиқади, бу эса баъзи ҳолларда иқтисодий ўсиш билан салбий боғлиқдир. Бундан ташқари, Alesina and Rodrik регрессия моделига назорат ўзгарувчиси (давлат харажатлари) қўшилса, даромадлар тенгсизлиги ва ўсиш

ўртасидаги салбий боғлиқлик аниқланади, ривожланган мамлакатларда юқори даромадлар тенгсизлиги мавжуд бўлганда, ривожланган мамлакатларда юқори даромадли тенгсизликлар мавжуд бўлганда, жамиятни янада тенглаштиришда юқори даромад солиғи жорий этилиши иқтисодий ўсишнинг пасайишига олиб келиши таъкидланган.

2. Иккинчи ёндашув Alesina and Perotti томонидан олинган таҳлил натижаларга асосланиб, бунда ижтимоий-сиёсий беқарорлик муаммоларига эътибор қаратади, тенгсизлик жиноятчилик, норозилик ва давлат тўнтаришларининг кўпайишига олиб келади. Бу мамлакатда ноаниқлик даражасини оширади, инвестицияларни камайтиради ва капитал тўпланишига тўсқинлик қилади, бу эса иқтисодий ўсишга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

3. Учинчи ёндашув уй хўжаликларида туғилиш ва ихтиёридаги даромад ўртасидаги мавжуд тескари корреляция Galor and Zang томонидан ишлаб чиқилган моделга асосланган бўлиб, тадқиқот натижаларида туғилиш даражаси юқори бўлган мамлакатларда даромад тенгсизлиги юқори даражада бўлиши аниқланган, чунки таълимга инвестициялар учун ихтиёридаги даромад камроқ, бу эса ўз навбатида иқтисодий ўсишга салбий таъсир қилади.

4. Тўртинчи ёндашув Aghion ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган капитал бозорларининг фаолиятига қаратилган бўлиб, чунки бу даромадлар тенгсизлигининг сабабий оқибатларини индикатори ҳисобланади. Капитал бозорларининг номукамаллиги аҳолининг камбағал қатламига инвестиция қилиш қобилиятига таъсир қилади, хусусан, инсон капиталига инвестицияларнинг юқори даромадлилиги билан тавсифланади, агар капитал бозорлари ресурсларни самарали тақсимламаса, бу кам таъминланган аҳолининг таълим, соғлиқни сақлаш ва бизнесга сармоя киритишига тўсқинлик қилади.

Умуман, cross-sectional data ёрдамида амалга оширилган кўплаб эмпирик тадқиқотлар натижасида даромадлар тенгсизлиги ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги салбий боғланишлар тахмин қилинган. Аксинча, панел маълумотлар асосида амалга оширилган таҳлилларда, улар ўртасида ижобий боғланишлар мавжудлиги аниқланган. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу ўзгарувчилар ўртасидаги боғланишлар ноаниқ, аммо эконометрик натижалардаги мавжуд фарқлар билан боғлиқ муаммолар даромадлар тенгсизлигини ўлчашнинг турли усулларида келиб чиқиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган назариялардан фарқли ўлароқ, Galor and Moavлар томонидан иқтисодий ўсишни мамлакатнинг ривожланиш даражаси билан изоҳловчи назарияни таклиф қилинган. Биринчи босқичда ҳали саноатлаштириш жараёнини яқунламаган мамлакатлар учун ўсишнинг асосий двигатели инсон капитали эмас, балки жисмоний капитал тўпланиши ҳисобланади ва бу жамғармага аҳоли ўртасидаги даромадлар тенгсизлиги орқали эришиш мумкин. Юқорида айтиб ўтилганидек, бадавлат одамлар кўпроқ жамғариш ва сармоя киритишга мойилдирлар ва фақат улар кенг масштабдаги инвестицияларнинг юқори харажатларини зиммаларига олишлари мумкин. Иккинчи босқичда ўсишнинг асосий двигатели инсон капиталининг жамғарилиши бўлиб, унга эришиш учун мамлакат аҳолиси таълимга сармоя киритиши керак, аммо номукамал капитал бозорлари бунга тўсқинлик қилиши мумкин, шунинг учун кам таъминланганларнинг таълим олишини осонлаштириш учун давлат сиёсати даромадлар тенгсизлигини камайитишга қаратилган бўлиши лозим<sup>9</sup>.

Шунингдек, бугунги кунда ривожланиш даражаси паст бўлган мамлакатлар ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, биринчи босқичда нафақат жисмоний капитални, балки инсон капиталини жамғариши мумкин деган хулосага келинган.

Бундан ташқари, кам ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ўсишида даромадлар тенгсизлигининг ижобий таъсири халқаро капитал оқими билан боғлиқ бўлиши мумкин, чунки улар бойларнинг жисмоний капитални тўплаш учун рағбатларини камайтириши ва ўсишни тезлаштириши мумкин.

Умуман олганда, олиб борилган эмпирик тадқиқотларда даромадлар тенгсизлигининг иқтисодий ўсишга қандай таъсир кўрсатишдан баҳолашдан иборат иборат бўлган. Ушбу соҳадаги эмпирик тадқиқотларнинг моделда ишлатиладиган канал ва даврга қараб ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бироқ, бу назариялар қизғин мунозаралар мавзуси бўлиб, ноаниқ ва турли натижаларни таклиф қилмоқда. Жумладан, эмпирик таҳлиллар натижасида узоқ муддатли истиқболда паст даромадли мамлакатлар учун даромадлар тенгсизлиги ва иқтисодий ўсиш ўртасида сезиларли ижобий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади. Бироқ, юқори ва ўрта даромадли мамлакатларда салбий, аммо статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлмаган боғланишлар мавжуд. Бундан ташқари, намунадаги барча мамлакатлар биргаликда регрессия қилинганда, даромадлар тенгсизлиги ва иқтисодий ўсиш ўртасида статистик жиҳатдан ижобий боғлиқлик мавжуд эмаслиги аниқланган.

Таҳлилда инвестициялар даражаси камбағал ва ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсиш билан кўпроқ ижобий боғлиқлигини аниқланган, бу Р. Солунинг неоклассик назариясини тасдиқлайди, бу фойдаланилган моделларнинг асоси ҳисобланади. Бундан ташқари, моделларда жон бошига даромад бошланғич даражаси иқтисодий ўсишни тушунтириш учун муҳим эканлигини кўрсатади. 1-жадвалда даромадлар тенгсизлиги ва иқтисодий ўсиш соҳаси турли эмпирик тадқиқотлар олинган натижалар келтирилган.

1-жадвал

**Моделда фойдаланилган маълумотлар асосидаги эмпирик таҳлил натижалар<sup>10</sup>**

	CROSS-COUNTRY DATA	PANEL DATA
Ижобий таъсир	Bleaney and Nishiyama (2004) Castelló (2004) Castelló and Domenech (2002) de la Croix and Doepke (2003) Li and Zou (1998) Partridge (2005) Schipper and Hoogeveen (2005)	Banerjee and Duflo (2003) Castelló (2004) Deininger and Olinto (1998) Forbes (2000), Iradian (2005) Partridge (2005) Szekely and Hilgert (1999) Panizza (2002)
Салбий таъсир	Alesina and Rodrik (1994) Benjamin et al. (2006) Clarke (1995) Deininger and Squire (1998) Galor and Zang (1997) Gylfason and Zoega (2003) Keefer and Knack (2002) Kenworthy (2004) Khoo and Dennis (1999) Knell (1999) Knowles (2005) Larrain and Vergara (1997) Mbabazi et al. (2001) Panizza (2002) Persson and Tabellini (1991) Rehme (2002) Tanninen (1999), Zhu (2001)	Barro (2000) Benjamin et al. (2006) Litschig (2005) Mbabazi et al. (2001) Odedokun and Round (2001) Panizza (2002) Voitchovsky (2005)

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, cross-country моделидан фойдаланилган эмпирик тадқиқотларда даромадлар тенгсизлиги ва иқтисодий ўсиш ўрасидаги ижобий боғлиқлик аниқланган.

Даромадлар тенгсизлигини ўлчашнинг кўплаб усуллари мавжуд бўлиб, тенгсизликни ўлчашнинг умумий усули - даромад тақсимотини квантларга бўлиш ва ушбу сегментлардаги жамғарилган даромадларни ҳисоблаш, шуниндек, вариациянинг коэффициенти квадрати ва нисбий ўртача оғиш каби статистик дисперсия ўлчовларини ҳам аниқлашингиз мумкин. Ниҳоят, даромадлар тенгсизлигини ҳисоблашнинг самарали усулини ифодаловчи Жини коэффициенти, Hoover индекси, Theil индекси ва бошқа индекслар мавжуд. Даромадлар тенгсизлигининг асосий баҳолаш индексларини қиёсий таҳлилда, Theil индекси ва Atkinson кўрсаткичлар ва логарифмик ўртача оғиш даромад тенгсизлик энг яхши баҳолаш усули ҳисобланади (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Даромадлар тенгсизлигининг асосий баҳолаш усуллари қиёсий таҳлили<sup>11</sup>**

	Squared coefficient of variation	Relative mean deviation	Gini coefficient	Hoover Index	Theil index	Mean Log Deviation	Atkinson class of measures
	$SCV = \left(\frac{\sigma}{\mu}\right)^2$	$RMD = \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N \frac{ x_i - \bar{x} }{ \bar{x} }$	$G = 1 - \frac{2}{N} \sum_{i=1}^N (x_i - x_{i-1})(y_i - y_{i-1})$	$H = \frac{1}{2} \sum_{i=1}^N \left[ \frac{E_i}{E_{TOTAL}} - \frac{A_i}{A_{TOTAL}} \right]$	$E(\alpha) = \frac{1}{N(\alpha^2 - \alpha)} \sum_{i=1}^N \left( \frac{x_i}{\mu} \right)^{\alpha} - 1$	$T = \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N \frac{x_i}{\mu} \ln \left( \frac{x_i}{\mu} \right)$	$A(\epsilon) = 1 - \left[ \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N \left( \frac{x_i}{\bar{x}} \right)^{1-\epsilon} \right]^{\frac{1}{1-\epsilon}}$
Mean independence	X	X	X	X	X	X	X
Population size independence	X	X	X	X	X	X	X
Symmetry	X	X	X	X	X	X	X
Pigou-Dalton principle	X	X	X	X	X	X	X
Transfer sensivity	-	-	X	X	X	X	X
Decomposability	-	-	-	-	X	X	X
Statistical testability	X	X	X	X	X	X	X

Бугунги кунда Жини коэффициенти даромадлар тенгсизлигининг кенг қўлланиладиган ўлчовидир ва у эмпирик адабиётларда қўлланиладиган тенгсизликнинг асосий кўрсаткичидир. Бироқ, 2-жадвалдан кўришиб турибдики, даромадлар тенгсизлигининг тўлиқроқ кўришини баҳолайдиган кўплаб бошқа индекслар мавжуд.

**Хулоса ва таклифлар**

Алоҳида тадқиқотлар даромадларнинг нотекис тақсимланишига аниқ иқтисодий институтларнинг таъсирига бағишланган: меҳнат бозори, давлат молияси, ресурсларнинг ҳаракатчанлигини таъминлайдиган товар ва капитал бозорлари. Анъанага кўра, фискал сиёсат механизмлари биринчи навбатда тенгсизликни бошқариш учун қўлланилади. Бир томондан, солиқ сиёсатининг механизми

қўлланилади: даромадларни прогрессив солиққа тортиш, солиққа тортишнинг меҳнатдан олинган даромаддан капиталдан олинган даромадга ўтиши, мулкдан даромад олиш учун ва бошқалар. Бошқа томондан, тенгсизликни юмшатиш учун ҳам давлат харажатлари бўлган усуллар қўлланилади, трансфертлар, айрим фаолият турларини молиялаштириш. Учинчидан, ижтимоий ишлаб чиқариш ва ижтимоий имтиёзлар, уларнинг баъзилари аҳолининг кам таъминланган қатламлари томонидан кўпроқ фойдаланилади.

Иқтисодчи олимлар томонидан даромад тенгсизлик индекси ва уни баҳолаш қўйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим деб ҳисобланади<sup>12</sup>:

1. Мустақил ўзгарувчини ўртача қиймати: агар ўзгарувчи (даромад) барча аҳоли учун бир хил скалярга кўпайтирилса, тенгсизлик даражаси ўзгармаслиги керак. Бу шуни англатадики эталон сифатида тегишли ўзгарувчини ўртача даражасини олган ҳолда бу тенгсизликни нисбий тарзда аниқлаш мумкин.

2. Аҳоли сони мустақил ўзгарувчи. Барча тенг шароитларда аҳоли сони ўзгарганда тенгсизлик ўзгармаслиги керак. Бу натижаларни аҳоли турли сонлари билан солиштириш имконини беради.

3. Симметрия. Икки шахсни даромад тақсимлашдаги жойини ўзгартирса, у тенгсизлик даражасига таъсир қилмаслиги лозим. Бу функция одамларнинг бошқа ҳулқ-атворини аҳамиятини ҳисобга олмаган ҳолда фақат даромад даражасига қаратилган.

4. Pigou-Dalton принципи. Даромад тақсимоотидаги мавқега кўра турли ўлчамлар қўлланилиши керак. Турли ўлчамлар даромад тақсимлашдаги ҳолатига мувофиқ қўлланилиши керак.

5. Трансферни сезгирлиги. Икки шахс ёки уй хўжаликлари ўртасида ўз позициясини ўзгартирмасдан ва даромадларни тақсимлашда бир хил ажратилган ҳолда босқичма-босқич ўтиш содир бўлганда, энг камбағал шахс ёки уй хўжалиги учун тенгсизлик даражаси камаяди.

6. Ажратувчанлиги. Индекс аддитив ёки кичик гуруҳларга бўлиниши керак. Бу шуни англатадики, индекс барча кичик гуруҳлар тенгсизлиги йиғиндиси бўлиши лозим.

7. Статистик тестга яроқлилиги. Вақт ўтиши билан индекс ўзгаришлар аҳамиятини текшириш мумкин бўлган ишончли интерваллар бўлиши керак.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Lewis W. A. 1954 Economic Development with Unlimited Supplies of Labor. The Manchester School 22. 139–91.

2. Kuznets, S. 1955. Economic Growth and Income Inequality. The American Economic Review, 45(1), 1-28. Retrieved April 12, 2020, from [www.jstor.org/stable/1811581](http://www.jstor.org/stable/1811581).

3. Alesina, A. and Rodrik, D. (1994). Distributive politics and economic growth. Quarterly Journal of Economics, 109, 2, pp. 465–90.; Deininger, K. and Squire, L. 1996. A new data set measuring income inequality. World Bank Economic Review, 10, 3, pp. 563–91.; 39.

Persson, T. and Tabellini, G. 1991. Is inequality harmful for growth? Theory and evidence. CEPR Working Paper no. 581.

<sup>12</sup>Haughton, J. H. & Khandker, S. R. 2009. Handbook on Poverty and Inequality. Washington, D.C.: World Bank Publications; Atuesta, B., Mancero, X. and Tromben, V. 2018. Herramientas para el análisis de las desigualdades y del efecto redistributivo de las políticas públicas. ECLAC documents LC/TS.2018/53.

4. Székely, M. and Hilgert, M. (1999) What's Behind the Inequality We Measure: An Investigation Using Latin American Data. IDB Working Paper No. 340.;Forbes, K. (2000). A Reassessment of the Relationship Between Inequality and Growth. *American Economic Review*. 90. 869-887.; Panizza, U. (2002) Income Inequality and Economic Growth: Evidence from American Data. *Journal of Economic Growth* 7, 25–41.;Castelló, A. (2004). A reassessment of the relationship between inequality and growth:what human capital inequality data say? Working Papers. Serie EC 2004-15, Instituto Valenciano de Investigaciones Económicas, S.A. (Ivie).

5. José Javier Caloca Martínez 2020. Income Inequality and Economic Growth <https://www.researchgate.net/publication/343349579>.

6. Alesina, A. and Perotti, R. 1996. Income distribution, political instability, and investment. *European Economic Review*, 81, 5, pp. 1170–89.;Aghion, P., Caroli, E., and García-Peñalosa, C. 1999. Inequality and Economic Growth:The Perspective of the New Growth Theories. *Journal of Economic Literature* Vol.37(4), 1615-1660.; Galor, O. and Zang, H. 1997. Fertility, income distribution, and economic growth: theory and cross-country evidence. *Japan and the World Economy*, 9, 2, pp. 197–229.; Acemoglu, D. 2007. An Introduction to Modern Economic Growth. *Journal of Economic Theory*, Elsevier, vol. 147(2), pages 545-550.;Acemoglu, D., Ticchi, D., & Vindigni, A. 2011. Emergence and persistence of inefficient states. *Journal of the European Economic Association*, 9(2), 177–208.; Piketty, T., and Goldhammer, A. 2015. *The Economics of Inequality*. Cambridge, Massachusetts; London, England: Harvard University Press. Retrieved May 16, 2020, from [www.jstor.org/stable/j.ctvjnrnk](http://www.jstor.org/stable/j.ctvjnrnk).;Saez, E. 2020. Striking it Richer: The Evolution of Top Incomes in the United States (Updated with 2018 estimates). Retrieved: March 25th, 2020. From: [eml.berkeley.edu/~saez/saez-UStopincomes-2018.pdf](http://eml.berkeley.edu/~saez/saez-UStopincomes-2018.pdf).

7. Saez, E. 2020. Striking it Richer: The Evolution of Top Incomes in the United States (Updated with 2018 estimates). Retrieved: March 25th, 2020. From: [eml.berkeley.edu/~saez/saez-UStopincomes-2018.pdf](http://eml.berkeley.edu/~saez/saez-UStopincomes-2018.pdf).

8. Piketty, T., and Goldhammer, A. 2015. *The Economics of Inequality*. Cambridge, Massachusetts; London, England: Harvard University Press. Retrieved May 16, 2020, from [www.jstor.org/stable/j.ctvjnrnk](http://www.jstor.org/stable/j.ctvjnrnk).

9. Alesina, A. and Rodrik, D. 1994. Distributive politics and economic growth. *Quarterly Journal of Economics*, 109, 2, pp. 465–90.; Perotti, R. 1996. Growth, Income Distribution, and Democracy: What the Data Say. *Journal of Economic Growth*, 1(2), 149-187. Retrieved April 15, 2020, from: [www.jstor.org/stable/40215914](http://www.jstor.org/stable/40215914).

10. Acemoglu, D. 2007. An Introduction to Modern Economic Growth. *Journal of Economic Theory*, Elsevier, vol. 147(2), pages 545-550.; Acemoglu, D., Ticchi, D., & Vindigni, A. 2011. Emergence and persistence of inefficient states. *Journal of the European Economic Association*, 9(2), 177–208.

11. Galor, O. and Zang, H. 1997. Fertility, income distribution, and economic growth: theory and cross-country evidence. *Japan and the World Economy*, 9, 2, pp. 197–229.; 26.Aghion, P., Caroli, E., and García-Peñalosa, C. 1999. Inequality and Economic Growth:The Perspective of the New Growth Theories. *Journal of Economic Literature*Vol.37(4), 1615-1660.